

Таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси

«Гидромелиорация» факультетининг «Сув хожалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш» йўналиши 107 - гуруҳ талабаларини Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган „ЭСО ДРИП“ масъуляти чекланган ишлаб чиқариш заводида ўқув танишув амалиёти олиб борилди. Ўқув танушув амалиёти даврида 6 июль куни „ЭСО ДРИП“ МЧЖ да Сув ресурслардан самарали фойдаланиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Хамраев Шавкат Рахимович, Жорабеков Исмоил Хакимович ва вилоятлардан келган соҳа мутахассислари, Тошкент Ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандистлари институти, «Гидромелиорация» факультети декани Алешер Фатхуллаев, декан ўринбори Сардор Ғуломов, «Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш» кафедраси мудирини техника фанлар доктори Шеров Анвар Ғуломович ҳамда ушбу кафедранинг доценти, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Аманов Баходир Тохтасиновичлар ва 107-гуруҳ ўқув танишув амалиёт раҳбари Ибрагимовна Хафиза Ринатовналар боришди. Ушбу корхонада сув тежовчи технологиялар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништирилди ҳамда ушбу сув тежовчи технологияларни Республикамизда жорий қилиш юзасидан амалий тренинг ўтказилди. Тадбир сўнггида Сув хўжалиги вазири талабаларга ўзининг соҳадаги тажрибалари билан ўртоқлашди ва эсдалик учун расмга тушишди. Бу талабалар хотирасида муҳрланиб қолди.



**«Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш» кафедраси доценти Баходир Аманов
ахбороти**

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов